




Ўн учинчи бўлим, мархум Боймирза Хайит улуг домламиз томонидан ўзбекча таржима учун махсус ёзиб берилган. Шунинг учун асарнинг туркча, немисча, француз ва инглизча тилларда ёзилган нусхаларида бу бўлимни кўрмасангиз ажабланманг. Ўзбекча нашр учун махсус сўзбоши, махсус бўлим ёзиб беришлари Устознинг ўз лахдсасида ушбу китоби чиқишини ва тарқалишини канчалик интикиб кутганлигининг аломати деб қабул қилдик. Сизда ҳам шу хис уйгонса шояд. Зора, бу улуг олимимизнинг рухлари шод бўлса! (Таржимон Б.Исабек)

Русия коммунист-болшевиклари 1917 йил октябридан бошлаб эски рус императорлигини саклаб қолиш учун ҳеч нарсадан қайтмади: совет-рус қўшини 16 йиллик қонли урушдан сўнг Туркистонни қайта ишғол қилди. Коммунистлар ҳокимиятни эгаллаган дастлабки кунларида ишчиларга корхоналарни, дехконларга ерни, аскарларга сулҳни ваъда қилган эди. Аммо бу қуруқ ваъдалар эди. Улар йўқсиллар диктатурасини ўрнатганлигини пеш қилдилар-у аммо асли советлар шаклидаги бу диктатурага коммунистлар ҳоким бўлди. Коммунизм мафкураси кичик бир тўда коммунистлар учун янги синф яратишга йўл очган эди. Бу янги синф ичида янги коммунизм мафияси шакллантирилди. Коммунистлар синфи жамиятда имтиёзли табақа ва ҳоким, айти пайтда мавжуд тузумнинг химоячиси бўлган мафия аристократияси сифатида майдонга чиқди. Рус халқи ва бошқа халқлар коммунизм никобига ўраниб олган аристократик синфнинг қули даражасига келтирилди. Ҳоким синф ўз манфаатлари йўлида рус халқидан фойдаланиб, уларни коммунизм мафкураси ва тутумининг ифодачиси рамзи ҳолига туширди. Кўп имтиёзларга эга бўлган руслар бир тарафдан ўз миллатини, иккинчи тарафдан бошқа миллатларни эзиш ҳисобида мазкур тузум (режим)нинг қуввати эди. Террорчилик Совет тузumi сиёсатининг асоси бўлиб келди. Совет Иттифоқи «ур, қама, ўлдир, кўрkit» сиёсати устига қурилган

эди. Совет Иттифоки таркибига киритилган халкларнинг ижтимоий ҳаётини тушуниш мушкул.

Дунёнинг энг бой минтакаларидан бўлишига карамай, Совет Иттифоки дунё бўйича энг факирларнинг маркази сифатида яшади. Порахўрлик ва чайковчилик Советлар иктисодий ҳаётининг энг муҳим асосларидан биридир. Бошқа миллат вакиллари Совет Иттифокида шикоят ва эътирозлар билан тузум эгалари бўлмиш русларга карши доимий ракобат туйғусини хис қилган. Совет Иттифокидаги иктисодий бўҳрон, ижтимоий адолатсизликлар, компартия билан давлатнинг қўшиб юборилиши, компартиянинг мутлак, чексиз ҳокимияти, инсоний ҳуқуқларнинг поймол қилинганлиги, диний ҳуқуқлар тортиб олинганлиги, адлия идоралари тўлиқ коммунистик партияга қарамлиги, бошқа миллат вакиллари билан руслар орасида узок вақт миллий ҳуқуқ борасидаги зиддиятлар Совет идоравий тузумини ботқокка ботириб қўйди. Коммунистик тутум ва Совет императорлиги ҳалокат ёқасида эди. Москвадагилар коммунистик социалистик тузумни муҳофаза қилиш ва совет императорлигининг парчаланиб кетишдан саклаш йўлларини изладилар. Бу оғир вазифа М.Горбачёвга юкланди.

Михаил Горбачёв 1985 йил 11 март куни СССР Компартиясининг Бош қотиби қилиб сайланди, Горбачёв эски диктаторлар қаби иш юритмади. У социализмни ислохотлар йўли билан саклаб қолмоқчи эди. Шунинг учун «қайта қуриш» ва «ошқоралик» шиорларини ўртага ташлади ҳамда ушбу стратегик усул билан СССРни бошқаришда давом этди. Горбачёв демократия душмани эмас, лекин у чегараланган демократия тарафдори эди. Совет Иттифокининг ҳар бурчагида «қайта қуриш» ва «ошқоралик» ҳақида тез-тез, қайта-қайта гапирилгани билан уларнинг маъносини англаб етганларнинг сони жуда кам эди. Ислохот тарафдорлари қўп, лекин уни амалга оширувчилар йўқ даражада эди. Горбачёвнинг тузган режалари халкларнинг ижтимоий ҳаёти фаровонлашуви учун керакли даражада имкон бера олмади. Горбачёвни майдонга чиқарган Компартия ўзининг эски ақидаларидан воз кеча олмади. Горбачёв эса ўз ислохотининг душманлари билан ҳам ҳамкорлик қилишда давом этди. Совет иттифоки мисли қўрилмаган иктисодий бўҳрон қаърига ботиб борарди. Аҳолининг моддий қийинчилиги тобора авж олди. 200 млндан ортиқ инсон дунёдаги энг қашшоқ одамлардек ҳаёт кечирарди. Миллат номи билан аталган, аммо Москвага ҳеч сўзсиз итоат қилувчи жумҳуриятларда Москва ҳукмронлигига қарши ҳаракатлар авж ола бошлади. Миллатлар ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳақида талабларни ўртага ташладилар. Совет иттифоки коммунистик партияси кундан кунга ўз мавқеини йўқотиб борди. Партияга ишончини йўқотганлар сони тобора ортиб борди. Турли миллат вакиллари орасида Совет иттифокидан ажралиб чиқиш ҳақидаги талаблар ҳар тарафга тўхтовсиз ёйилди. Совет жумҳуриятлари 1990 йилда мустақиллик ҳақида баённомалар қабул қилишди. Горбачёв ва унинг тарафдорлари ана шундай сиёсий талатўп олдида ожиз қолдилар. 1991 йил апрелида Горбачёв Совет иттифокининг 9 нафар жумҳурайислари билан бирга янги бир «Иттифок» тузиш масаласини муҳокама қилишади. 1991 йил 17 июлда Горбачёв ва 9 нафар жумҳурайислар тўпланиб, «Мустиқил Совет жумҳуриятлари иттифоки» ташкил этиш ҳақидаги лойиҳани муҳокама қилдилар. Буларнинг орасида Туркистоннинг 5 жумҳурияти раҳбарлари ҳам бўлиб, «Мустиқил Совет жумҳуриятлари иттифоки» эски Совет Социалистик Республикалари иттифоки ўрнини олиши керак эди. Горбачёв ва 9 жумҳурайис бу «Иттифок» ҳақидаги битимни 1991 йил 19 августда имзолашни қилишиб олдилар. Аммо 18 августдан 19гаўтар кечаси Геннадий Янаев (Горбачёвнинг ўринбосари) ва Павлов [СССРнинг бош ноziри), Язов (Мудофаа ноziри),

---

3 / 6

хаётини белгилаб келмокдалар.

Туркистоннинг собик 5 совет жумхуриятлари 1991 йил сентябрь-октябрь ойларида ўзларини мустакиллигини эълон килдилар. Парламент аъзолари эса Совет тутуми талабига тўлиқ жавоб берадиган собик коммунистлардан иборатдир. Туркистондаги жумхурайиснинг тўрттаси (Назарбаев, Каримов, Набиев, Ниязов) фаолиятлари тўхтатилган Коммунистик партия Марказий кўмитасининг собик биринчи секретарларидир.

Туркистон илк мустакилликка эришган даврларида демократия ҳаракатлари, яъни давлатни демократик асосда идора этиш жараёни давом этмокда. Туркистон тарихида илк бор бир канча сиёсий партиялар (масалан, Ўзбекистонда: Халқ демократик партияси, Эрк партияси, Бирлик жамияти; Козогистонда: Озод, Алаш, Желтўксон, Демократик Одақ, Козогистон социал-демократик партиялари; Тожикистонда: Тожикистон социалистик партияси, Наздаги Исломия Тожикистон партияси; Киргизистонда: Асаба, Эркин Киргизистон демократик партияси, социал-демократик партия) фаолият олиб борди.

Туркистонда 5та мустакил давлат вужудга келиши Туркистонликларнинг катта ютуғидир. Бу билан Туркистоннинг миллий мустакиллик тарихи бошланди. Туркистон халқи барча кўргиликлари ва азоб-укубатларига карамай, ўз мавжудлигини сақлаб қолди. Бу эса унинг ўз истикболи соҳиби бўла олишига кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Коммунизм - Совет тузуми тугади. Аммо бу тузум мамлакат ҳдетида бир неча йиллар давомида ўз асорати таъсирини қолдирган эди. Бу «мерос» қуйидаги ҳолларда яққол кўринмокда:

- Совет - Русия императорлиги ўз ҳокимияти таъсирини давом эттириш учун камида 7 миллиондан ортиқ туркийларни турли йўллار билан ўлимга маҳкум қилди.
- Туркистонда рус мустамлакачи аҳолиси сони атайлаб кўпайтирилди. Шунинг учун ҳам анча вақтга қадар Туркистон жумхуриятлари пойтахтларида руслар кўпчилиқни, миллий халқ вакиллари эса озчилиқни ташкил этди. Масалан, 1989 йилда Олмаота шаҳар аҳолисининг 22,3 % ни козоклар, Пишпак шаҳрининг 22,5 %ни киргизлар, Душанбе шаҳри 38 % ини тожиклар, Тошкентда эса 43,8 % ўзбеклар ташкил этган эди (Восток журн., Москва, 1991, №5, 46-6.). Москва руслаштириш сиёсатида алоҳида эътибор берган (масалан, рус тилининг мавқеини ошириш, киши исмлари ва жугрофий номларни русчалаштириш; Туркистон маданиятидан рус маданиятини устунлигини таъминлаш; Русия тарихини чуқур ўрганишни жорий қилиш; давлат маҳкамалари ва ҳокимият, ҳарбий қўмондонликлар, давлатнинг таянч ташкилотлари, минтақа қўшинлари қўмондонлиги руслар томонидан бошқарилиши ёки назорат қилиниши қабилар).
- Туркийларга мажбурий равишда рус алифбосини қабул қилдириш, туркий тил шеваларига рус сўзларини қиритиш; туркий тил лаҳд аларига «тиллалар» шаклини бериш; туб аҳоли орасида русларга ва совет тузумига содиқ кадрлар етиштириб, уларни совет давлати манфаати учун қуллар қоби ишлатиш ҳамда уларга колониялизм имтиёзларини бериш; туркистонликларга Туркистон ёки туркий қавмлари тарихини ўрганишга тўсқинлик қилиш; Туркистоннинг яхлитлигини Туркистон атамасини қўллашни ман қилиш билан бузиш; қавмлардан «миллатлар» ясаш, ёшларни авлодларининг ўтмишдаги буюқ маданий мероси ва тарихидан узоқлаштириш йўллари билан миллатнинг мавжудлигини тугатиш сиёсатини олиб борилиши.
- Туркистон дехқонларининг ерлари давлат мулки деб эълон қилиниши Туркистонда

эркин дехкончиликка бархам берди.

- Туркистоннинг ерости бойликларини талаш; Туркистонни хомашё мустамлакаси холига тушириш; ерости казилмаларини ундириш ниятида фабрикалар куриш, аммо уни саноат махсулотига айлантиришга йўл қўймаслик; хомашёлар Русияга жўнатилиб, у ердан Туркистонга саноат махсулоти сифатида кайтариш билан Русияга абадий ипсиз боғлаш учун қўлланган тадбирлар Туркистонни энг колок ўлкалар каторига тушириб қўйди ва бу ерусти ва ерости неъматларига жуда бой бўлган Туркистонни факирлар ўлкасига айлантириб қўйди.

- Совет - коммунизм тузумининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати натижасида пахта майдонларига жуда кўп микдорда кимёвий захарли моддалар ишлатилди. Бунинг оқибатида факат Ўзбекистон жумҳуриятининг ўзидагина 3,5 миллион пахтакор-деҳкон сарик касалига мубтало бўлди, пахта махсулотларини қўпайтириш мақсадида Амударё ва Сирдарё сувларини инсофсизларча исроф қилиниши натижасида Орол денгизи туз қўли холига тушди ва бу денгиз 2010 йилда куриб қолди. Орол денгизи мукитининг ўзгариши оқибатида 2 миллионга яқин туркистонликлар турли хил касалликларга чалинишди. Еттитом (Семипалатинск) вилоятида давом эттирилган атом бомбаси синовлари натижасида 1,5 миллион-дан ортиқ инсонлар ҳасталанди. 7 миллионга яқин тур-кистонлик турли оғир касалликка чалинди.

- Совет-коммунизм тузумининг ижтимоий сиёсати оқибатида 13 миллионга яқин (буларнинг 9 миллиони Ўзбекистонда) инсонларнинг ўрта ҳисобдаги ойлик маоши 70 сўмдан кам эди. Ҳаёт кечириш учун эса камида 150-160 сўм зарур эди. Совет ҳокимияти даврида 5 миллионга яқин туркистонлик ишсиз қолган.

- Совет иттифоқи давлати коммунизмнинг доимий рамзи бўлган худосизлик асосида идора этилгандир. Шунинг учун исломга қарши кураш бир томондан давлат тарафидан олиб борилса, иккинчи томондан коммунизм гоёси сифатида динга қарши тизимли фаолият ташкил этилди. Худосизлик сиёсати натижасида Туркистонда 20000дан ортиқ тарихий жомелар ва мадраса бинолари тамоман йўқ қилинди. «Ўтмиш саркитларини» тугатиш учун ҳатто тарихий қарвонсаройларни ҳам бузиб ташлаганлар. Ўзбекистонда меъморчилик санъатининг энг гўзал намуналари бўлмиш 10000дан ортиқ бинолар ер билан яқсон қилинди. Худосизлик сиёсати бир томондан инсонларни диндан узоклаштиришга ва иккинчи томондан мусулмонлар орасида ахлоқсизликнинг авж олишига ҳам йўл очди. Коммунистик партия ҳамда Совет давлати инсонлардан «Совет инсонлари» ва миллатлардан «ягона совет халқи» яратиш сиёсатини юритди. Совет ҳукумати ва уларнинг Туркистоннинг ерлик аҳолиси орасидан танлаб олган гумашталарининг хоҳишларига қарамай, коммунизмга мутлақ ишонган инсонлар тоифасини етиштира олмаганликлари улар мағлубиятининг сабабларидан биридир. Совет тузуми Ислом динига қарши қанчалик курашса, мусулмонлар ҳам шунчалик гайрат билан уни муҳофаза қилдилар. Ислом дини коммунизм ҳукмронлик қилган замонда жомелар, байрамлар, намозлар, диний маросимлар эмас, балки одамлар қалбида ва руҳида яшади.

Туркистоннинг 5 мустақил давлатлари большевизмдан қолган меросдан қутулиши осон кечмайди. Миллий юксалиш борасида 5 та мустақил давлат ишбирлиги мумкин аҳамият қасб этади. Туркистонда янги миллий ҳаёт бошланди. Мустақил давлатларда ички қелишмовчиликлар бўлиб туриши табиий. Ташқаридан ҳдмжихдтликка соя соладиган тажовузлар ҳам оз бўлмайди.

Туркистонлик илмий тадқиқотчиларни Туркистонда Русия (Чор Россияси, Совет Русияси)

Муаллиф:

31.05.2024 13:23 -

---

ва Хитой (коммунизмдан олдинги, коммунизм даврида) хукмронлиги даврини кенг ёритишдай, тўғри ва аник маълумотлар асосида тахдид килишдай шарафли вазифа кутмоқда.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан